

“Тасдиқлайман”  
Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазири  
Ўринбосари



И.Джураев

2022 йил 26 август

Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом  
овқатлантиришни кейтеринг усулида ташкил этиш бўйича  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент - 2022

Мазкур **техник топшириқ** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **472-сон қарори асосида** умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофик ҳолда **кейтеринг** усулида ўқувчиларнинг соғлом овқатлантиришни ташкил этиш мақсадида кўйиладиган талаб ва тартибларини белгилайди.

**Буюртмачи** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳисобланади;

**Ижрочи** – ҳудудларда масофавий усулда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш орқали овқатланишни шартнома асосида, етказиб бериш хизматларини кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор.

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Ижрочи	Талаб
<p><b>Ижрочи</b> (кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар)</p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кейтеринг усулида хизмат кўрсатиш учун бино иншоот ва замонавий технологик ускуналар мавжудлиги (кадастр ва техник паспортлар нусхалари);</li> <li>2. Махсус тайёр овқат ва озик-овқат хом ашёларини ташувчи жихозланган автотранспорт (рефрежиратор) воситаларини мавжудлиги (техник паспортлари нусхаси);</li> <li>3. Тадбиркорнинг мева ва сабзавотларни сақлаш омборининг мавжудлиги; (кадастр ҳужжатининг тасдиқланган нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати камида бир йил бўлган);</li> <li>4. Совутгич камераларининг мавжудлиги (техник паспортнинг нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати камида бир йил бўлган);</li> <li>5. Бино иншоотлар ижара асосида фойдаланилган тақдирда ижара шартномаси нусхаси;</li> <li>6. Бино-иншоотлар корхонага тегишли бўлганда кадастр ҳужжати нусхаси;</li> <li>7. Инсофсиз ижрочилар Ягона реестрида қайд этилмаганлик тўғрисида маълумотнома (тасдиқловчи ҳужжат);</li> <li>8. Кейтеринг усулида овқатланишни ташкил этиш бўйича шартноманинг камида уч ойлик суммасига тенг айланма маблағлари мавжудлиги;</li> <li>9. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; (ДСИ маълумоти)</li> </ol>

	<p>10. Танловда (тендерда) иштирок этиш учун камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солиқ қарздорлиги, тўловлар, бошқа мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;</p> <p>11. Санитария-эпидемиология "қисқ" қисқасида бўйича лаборатория, микробиология экспресс(тезкор) тест назорати хизмати билан тузилган шартнома нусхаси;</p> <p>12. Умумий овқатланиш соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишлиги;</p> <p>13. Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомларни таёрлаш технологияси бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларнинг мавжудлиги (муҳандис-технолог, аллерголог, диетолог, гастроэнтеролог, терапевт врач, ошпазлар);</p> <p>14. Инженер-технология ёки технология хизмати кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартнома; (диплом, тиббий кўриқдан ўтганлиги, ташкилотда ишлаш тўғрисида маълумот);</p> <p>15. Ошпазлар ҳақида маълумот; (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўриқдан ўтганлиги ва ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма);</p> <p>16. Тайёр овқатларни етказиб бериш учун, сертификатланган махсус термо идишларнинг мавжудлиги;</p> <p>17. Коррупцияга йўл қўймаслиги тўғрисида ариза.</p>
<b>Ижрочиға қўйиладиган талаблар</b>	Мақтабларда соғлом овқатлантириш хизматини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган намунавий мавсумий таомномалар, таом тайёрлаш бўйича технологик карталар асосида ташкил қилиш.
<b>Хизмат кўрсатиш тартиби</b>	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мақтабларида бир маҳал соғлом овқатлантиришни белгиланган САНПИН меъёрлар асосида етказиб бериш орқали амалга ошириш.
<b>Тадбиркорлик субъектларига кейтеринг хизматларини кўрсатиш учун қўйиладиган талаблар</b>	Кейтеринг ташкилоти ошпазлари томонидан таом тайёрлаш технологик қоидаларига риоя қилиниши, ва ошпазларни ўрнатилган тартибда малака оширишни назоратга олиш.
<b>Озиқ-овқат нархларининг шаклланиши</b>	Озиқ-овқат маҳсулотларининг ойлик ўртача бозор нархлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг ойлик тасдиқланган баённомалар билан белгиланади.
<b>Хизматни бажариш вақти</b>	2022-2023 ўқув йили.

<b>Озиқ-овқат сифатига бўлган талаб</b>	Харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар сифатлилиги, фойдаланиладиган технологик жиҳозлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги ҳамда етказиб берилладиган озиқ-овқат маҳсулотлари яроқлилиги хақида лаборатория хулосаси мавжудлиги;
<b>Хизмат кўрсатиш шартлари</b>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мактабларида бир маҳал соғлом овқатлантириш белгиланган САНПИН меъёрларига риоя этган ҳолда ҳамда тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширилади.</p> <p>Кейтеринг ташкилоти тайёр таомларни қадоқланган, бир марта ишлатиладиган қутиларда совиткич мосламаси ўрнатилган махсус автотранспорт воситаларида мактабларга етказиб бериш.</p> <p>Етказиб берилган қадоқланган тайёр таомларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ўқувчиларга тарқатишни ташкил этиш.</p> <p>Узоқ ҳудудлардаги мактабларда 5 кунлик таомномадаги маҳсулотларни сафлашни ташкил этиш (рефрежиратор, музлатгич ва хок)</p> <p>Кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган қадоқлангандан тайёр таомлар, истеъмол қилингандан сўнг чиқиндиларини ўз вақтида утилизация қилиш чораларини кўриш.</p>
<b>Овқатланиш устидан назорат</b>	Вазирлик, Ўзбекистон Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан биргаликда кейтеринг ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати устидан доимий назоратни амалга ошириш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра кейтеринг ташкилотини “инсофли ижрочи” ёки “инсофсиз ижрочи” рўйхатига киритиш.



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: [www.kkedu.uz](http://www.kkedu.uz), e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

## Техникалық тапсырмаға қосымша

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигине қараслы улыўма билим бериў мектеплериндеги баслаўыш класс оқыўшыларын кейтиринг усылында азық-аўқат өнимлери менен тәмийинлеў бойынша, 1 балаға еки ай мүддетке сарыпланатуғын қаржы муғдарында Қараөзек районы 1-,3-,4,5,6,14,15,17,23,27,29,32-санлы мектеп балалары ушын өткериледи.

Министр



А.Наримбетов

